



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 16 декабрь, № 242 (4905)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **204'-модда** билан тўлдирилсин:

«204'-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келса, шунингдек атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса,

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан үн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдир этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан үн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 245-модданинг биринчи қисми «204» рақамидан кейин «204'» рақами билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **249'-модда** билан тўлдирилсин:

«249'-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари

Ушбу Кодекснинг 204'-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар амалдан қатъий қилинган, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома қўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 декабрь
№ ҲРҚ—230

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЭНГ БУЮК, ЭНГ МУҚАДДАС МАҚСАДИМИЗДИР

Бу йилги Конституция байрами мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар сайловида қизгин тайёргарлик даврига тўғри келгани билан алоҳида маъно-мазмун касб этди. Чунки булар ҳақда сайловнинг очкилик, эркинлик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида, халқроқ мезон ва стандартлар даражасида ҳар томонлама юксак савияда ўтказилишида Асосий Қонунимиз ҳал қилувчи ўрин тутди.



Бу ҳақда гапирганда, сайловда қатнашадиган ҳар қайси фуқарога эркин танлаш ва овоз бериш имконини яратиш айнан Конституциямизда ва унинг асосида қабул қилинган қонунларимизда белгилаб қўйилган хусусида сўз бориши табиий, албатта. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов шу йил 5 декабрь кунини муаззам «Ўзбекистон» халқроқ анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисида сўзлаган маърузасида ушбу мавзуга алоҳида тўхталиб, бу борада юртимизда эришилган натижалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳусусида янги фикр ва хулосаларни баён этди.

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда умумэтироф этилган андозалар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Президентимиз таъкидлаганидек, охириги йилларда, жумладан, жорий йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими замон талабларига ҳамда халқроқ андозаларга жавоб берадиган, аввало, сайлов қонунларини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилгани, албатта, бу йилда яна бир салмоқли амалий қадам бўлди.

Ҳозирги кунда юртимизда қизгин паллага кирган сайлов жараёни айнан ана шу тақомиллашган сайлов тизими асосида ўтаётгани бу сайловга юртимиз фуқаролари ҳамда халқроқ жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини янада қучайтирмақда.

САЙЛОВ — 2009

Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Очқ ва эркин сайловларни демократик принципларга мувофиқ ўтказишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомиддин НУРМАТОВ билан мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлажак сайлов бўйича сайлов кампаниясини кенг ва ҳолис ёритиш қандай ташкил этилгани, сиёсий партиялар ҳамда улар томонидан қўрилган депутатликка номзодлар сайловдош ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларида тенг фойдаланиши қандай таъминланаётгани ҳақида сўхбатлашдик.

— Бугун Ўзбекистон муҳим сиёсий воқеа — сайловлар арафасида турибди, — деди Н. Нурматов. — Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизда сайлов тизimini тақомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси, аввало, сайловларни очкилик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини таъкидлади. Бу, ўз навбатида, мазкур сайловлар жамитимизни янада демократлаштириш, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни қўқурлаштиришда янги босқични бошлаб берди.

— Ушбу келишув битимларидан қандай мақсадлар қўланган?

— Келишув битимлари сайлов жараёнини очкилик ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хориж жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган барча тадбирлар, Марказий сайлов комиссияси томонидан амалдаги қонунчилик талабларига сўзаси роя қилинишини таъминлашга доир чора-тадбирлар ва бу борада амалга оширилаётган ишлардан кенг хабардор этиш мақсадида имзоланди. Келишувларда аҳоли ўртасида миллий сайлов қонунчилиги — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қондалари, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга солувчи бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни тушунириши самарали ташкил этишга қаратилган тадбирлар қўзда тутилади.

Сайлов кампанияси бошлангани эълон қилингандан сўнг Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 70-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 2-банднинг биринчи қисмидаги «Олий Мажлиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Сенатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармонлари ва фармойишлари» деган сўзлар «Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари» деган

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 декабрь
№ ҲРҚ—231

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ҲРҚ—163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модданинг ўн тўртинчи қисмидаги «очқ акциядорлик жамиятлари» деган сўзлардан кейин «ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилган тижорат банклари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 4-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

облигацияларга доир ҳуқуқлар ҳақида тааллуқли қисмига эмитент томонидан ўзгаришлар киритиш;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг мажбуриятлари бўйича миқдорнинг қимматли қоғозлари ва пул маблағларини ундириш;

эмиссиявий қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришда ва (ёки) уларнинг муомаласида бир инвесторга бошқасига нисбатан афзаллик белгилаш, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) давлат қимматли қоғозларининг эмиссия қилиш;

б) акциядорлик жамиятининг акциядорларига ўзларининг акциялар сонига мунособи равишда қимматли қоғозларни олишда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқ бериш;

в) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан қимматли қоғозларни олишга қонун ҳужжатлари билан чекловлар жорий этиш.

Корпоратив облигацияларининг фақат тижорат банклари, шунингдек қуйидаги шартларга роя этган ҳолда очқ акциядорлик жамиятлари; аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 4-бетда).



Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ислохотлар тўғрисида қандай улкан натижаларга эришилганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва халқимиз менталитети инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган аниқ стратегия, бутун дунёда "Ўзбек модели" сифатида тан олинган тараққиёт йўли ўзини тўла оқлаётганлиги ҳар қадамда кўзга ташланиб турибди.



Сайловлар демократиянинг энг муҳим ва асосий институти ҳисобланади. Чунки халқнинг хоҳиш-истагини жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида, шунингдек, давлат ҳокимияти бошқарувидаги иштирокини таъминлаш айнан сайловлар орқали амалга оширилади. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларни сиёсий партияларнинг тўғридан-тўғри иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу билан бирга, ҳозирги давр ҳаётининг барча соҳаларида янги-янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Президент Ислам Каримовнинг Конституцияга қабул қилинган 17 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида бу борадаги долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аввало, ушбу маърузада мустақиллигимизнинг тамал тошини қўйган, эркин ва обод келажагимизнинг пойдеворини белгилаб берган Асосий Қонунимизнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва аҳамияти, унинг ҳаётни тубдан ислох қилиш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда демократлаштиришнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги моҳияти очиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу маънода, маъруза бизнинг партияимиз учун истиқлол йилларида халқимиз томонидан босиб ўтилган йўл, ислохотларни амалга ошириш борасида эришилган улкан ютуқ ва марралар, олдимизда турган устувор вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган муҳим аҳамиятга молик тарихий ҳужжатдир.

Илмий-назарий жиҳатдан эса, бу маъруза юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодийetni қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган, бугунги кунда дунё тан олаётган тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий масалаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишининг ёрқин намунасидир.

Ислохотлар истиқболини белгилаб берадиган устувор йўналишлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган энг долзарб ва муҳим вазифалар, барчамиз учун бирдек аҳамиятга молик масалаларнинг ечимлари кўрсатиб берилган маъруза, шубҳасиз, Баркамол авлод йиллигида фаолиятимизнинг дастуриламали ҳамдир.

Маърузада халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, яқинлашиб келаётган сайловлар жараёни, у билан боғлиқ тамойил ва мезонларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти таъкидланар экан, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканига алоҳида эътибор қаратилди. Тарихга муҳрланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган фаолият, хусусан, қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларимизни қиёфасини тубдан янгилаш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқ улкан бунёдкорлик ишлари келгуси йилларда ҳам давом эттирилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йилга муайян ном беришдек хайрли аёнани давом эттириб, кириб келган йилга янги йилни «Баркамол авлод йили» дея эълон қилар эканлар, ислохотларни янада жадал давом эттириш масалаларига алоҳида тўхталиб, жамиятимиз олдида турган энг долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам бу борадаги устувор йўналишлардан келиб чиқиб, ўз вазифаларини аниқлаб олди. Бу борада О'зЛиДеРнинг асосий электорати ҳисобланадиган тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, умуман, ўрта синф вакиллари энг кўп манфаатдор бўлган давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш учун асос ҳисобланадиган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" гоясини амалга ошириш соҳасидаги вазифалар муҳим аҳамиятга эгадир.

Зеро, демократия ва либераллаштириш эркин тадбиркорлик, хусусий мулкчилик, мулкнинг хилма-хиллиги, мулкдорлар қатлами, ўрта синфнинг шаклланиши ва тараққиёт этишини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам, эркинлик кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон манфаатларини таъминлашнинг асосий мезонларидан биридир. Фақат ана шу мезонгина жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётнинг пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланиши, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши учун иқтисодий, сиёсий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қаролатиларини таъминлаш йўлида туб ўзгаришлар ва қўллаб-қувватлаш

амалга оширилди. Давлат органларининг бошқарув, биринчи навбатда, тақсимот соҳасидаги ўз ўрнини ўтаб бўлган ваколатлари қисқарди. Улар ўрнига замонавий бозор механизми, иқтисодий вазифалар ва инсонпарварлик тамойиллари тўла-тўқис қарор топиши тарафдоридир. Бизнинг бу соҳадаги муҳим устувор вазифамиз мулкдорларнинг мулквий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлайдиган қонун нормалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қўмаклашидир. Шу билан бирга, ушбу йўналишда судга чалғиб бўлган ва суд муҳокамаси пайтидаги ҳўжалик низолари ҳамда бошқа баҳсли масалаларни ҳал этишини таъсирчан механизминини рағбатлантириш ҳам муҳимдир.

Тадбиркорлар давлат ва ҳўжалик бошқаруви тизимини демократлаштириш соҳасида белгиланган исло-

ҳотларнинг изчил ўтказилишидан ҳар қандай бошқа соҳа вакилларида кўра кўпроқ манфаатдордирлар. Бундай ислохотлар, шубҳасиз, уларга ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш, мулкларини сақлаш ва қўлай-тиришининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

О'зЛиДеР сиёсий майдонга кириб келган илк даврдан, жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга асос бўладиган қонунчиликни янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Шу билан бирга, партияимиз қабул қилинаётган қонунларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлайдиган тизимни ривожлантириш тарафдоридир.

Бу йўналишда маҳаллий ҳокимият органларининг ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлиги ўсиши учун маъсулятини ошириш партияимиз фаолиятининг асосий бўғинларидан биридир.

Маърузада О'зЛиДеР Юртбошимизи ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунда сиёсий партиялар учун яратиб берилган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ижроия ҳокимиятининг раҳбарлик тузилмаларига ўз аъзоларини фаолилик билан тасвია этиш, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги депутатлари орқали жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳам партияимизнинг бу борадаги вазифаларидан биридир.

Маълумки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини таъминлайдиган қонунчилик базаси, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилган. О'зЛиДеР бундан бунён ҳам фуқаролик жамияти институтлари, ННТларга фуқароларнинг манфаатларини қондириш ва ҳимоялаш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни рўёбга чиқаришга қаратилган фаолиятлари самарадорлигини оширишга қўмаклашишни давом эттиради.

Бу борада партия фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари макомини кўтариш, уларнинг ваколатларини янада кенгайтириш ва моддий базасини мустаҳкамлашга интилади.

Партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири — матбуот эркинлигини, унинг янгилиниш жараёнлари ҳамда ислохотларнинг амалга оширилишидаги роли ва таъсирчанлигини янада оширишни таъминлашдан иборат. Ушбу йўналишда асосий эътибор медиа-тармоқлар, матбаачилик корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларни ахборот-коммуникация соҳасидаги энг янги ютуқлар асосида яратилган техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалаларига қаратилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида кенг қўламли ислохотлар ўтказилди. Судлар ихтисослаштирилди, ярашув институти жорий этилди, жиноят қонунчилиги либераллаштирилди. Улим ҳазоси беқор қилинди. Қамоққа олиш учун санкциялар бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Мухтарам сайловчилар, биз Сизнинг партияимиз номзодлари учун овоз беришингизга ишонамиз ва ўз навбатида, бу ишончингизга астойдил ҳаракат қиламиз.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди ва у бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом этмоқда. Мамлакатимизда жамоат бирлашмалари, хусусан, улар орасида муҳим институти ҳисобланган сиёсий партиялар фаолиятини ривожлантириш ва жамият ҳаётини фаол иштироки учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш ўтган йилларда амалга оширилган энг салмоқли ишлардан бири бўлди. Бунга мисол қилиб, мустақилликнинг дастлабки йилларида "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги (1991 йил), кейинчалик, аниқ-

роғи, 1996 йилда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги ва сўнгра "Нодавлат но-тихорат ташкилотлар тўғрисида"ги (1999 йил) қонунлар қабул қилинганлиги кўрсатиш мумкин. Жамоат ташкилотлари орасида сиёсий партиялар алоҳида давлат ва жамият тараққиётида туганган ўрни ва мавқеи эътиборга олиниб, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг парламент сайловларида иштирок этишининг ҳуқуқий асослари тубдан қайта кўриб чиқилди. Демократик сайловларнинг дунё талабларига жавоб берадиган тизимни яратиш, сиёсий партияларнинг уларда иштирок этиши учун барча зарур имкониятлар яратилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида инсонпарвар демократик жамият барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган иқтисодийetni шакллантириш, шунингдек, давлат ва жамият бошқарувида ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисmini марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш ҳамда сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонун бугунги кунда мамлакатда нафақат кўп партиявийлик тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшди, балки уларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этиш кафолатларини кенгайтирди. Мазкур Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳияти, уни қабул қилинишидан кўзланган мақсад давлат бошқарувини янгилаш, янада демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг тугган ўрни ва ролини кучайтириш, бу билан, энг аввало, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат бошқарувини амалга оширишда уларнинг хоҳиш-иродасини янада кенгроқ рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Урни келганда таъкидлаш жоизки, халқро жамоатчилик томонидан ҳам алоҳида эътибор этилган ушбу Конституциявий қонуннинг парламент кўли палатасидаги дастлабки муҳокамасини таяёрлашда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида фаолият юритаётган Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг алоҳида ҳисса касб олганлиги кўриб чиқилди. Бу билан ҳам таъкидлаш жоизки, Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясининг фаол аъзолари фаолият юритаётган мазкур Қўмита 2005 — 2009 йиллар давомида 80 га яқин қонун лойиҳаларининг дастлабки таяёрлаш ишларини олиб бориб, депутатлар муҳокамасига олиб чиқди. Фракцияимиз аъзоларининг бу каби фаолиятини бошқа қўмиталар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хукумат томонидан жойлардаги комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ва уларнинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этаётганлиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишларга тўхталмалик асло мумкин эмас.

Партияимиз ўтган ҳисобот даврида ўзининг жойлардаги худудий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тузилган ХДП депутатлик гуруҳлари билан ҳамжиҳатликда жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиб, сайловчилар билан яқин-

дан мунтазам алоқаларни ўрнатишга эришди. ХДП жамоатчилик қабулхоналарида аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий масалаларга доир тақлиф-мулоҳазалари, уларни ташвишлантираётган айрим муаммолар ўрганилиб, долзарб масалаларнинг ижобий ечимини таъминлаш мақсадида сезиларли ишлар амалга оширилди. Зарур топилганда, бундай камчиликлар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ХДП депутатлик гуруҳлари томонидан сессия муҳокамаларига олиб чиқилди. Бу каби ишларни амалга ошириш билан партияимиз, биринчи навбатда, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилган бўлса, иккинчидан эса, партия сайловолди Дастурида белгиланган вазифаларни лозим даражада бажаришга эришди.

Ўзбекистон ХДПнинг парламент кўли палатасидаги фракцияси ҳам 2005 — 2009 йилларда самарали фаолият юритди.

Қонунчилик палатаси мажлислари муҳокамасига киритилган барча қонунлар лойиҳалари юзасидан фракциянинг нуктаи назарини ишлаб чиқишда, энг аввало, ХДП электорати манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилди. Ўзбекистон ХДП ўзининг тўғридан-тўғри электорати деб биладиган аҳоли қатламларининг манфаатларига бевосита дахлдор қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳлари тузиб, фракциянинг асосланган тақлифларини мунтазам равишда таяёрлаб борди. Масалан, "Ипотека тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги, "Иш беворчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари бўйича махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, фракциянинг асосланган тақлифлари ишлаб чиқилди, палата мажлисларида улар бўйича чиқишлар қилиниб, фракция нуктаи назари ҳимоя этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ўз фаолиятида ижтимоий соҳага йўналтирилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини, умуман, мазкур соҳага дахлдор фаолиятнинг назорат қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келди. Жумладан, тегишли давлат ижро ҳокимияти органлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат корхоналари, идора ва ташкилотларини масъул раҳбарларнинг ахборотларини тинглаш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқилди.

Хусусан, фракция ташаббусига асосан, Қонунчилик палатасининг 2005 йил 22 декабрдаги мажлисида Хукуматнинг аҳолини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги масала юзасидан ахбороти эшитилди. Муҳокама чоғида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларининг аҳолисини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ тақлифлар киритилди. Фракция аъзолари ўзлари сайланган округлардаги ва жойлардаги аҳолининг электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича камчилик ва муаммоларни Хукумат аъзоларига расман топширишди. Бунинг аҳамиятини томони шундаки, икки палатали парламент шароитида илк марта тақлиф Хукуматни депутатлар олдида ахборот бериши институти амалда қўланилди.

Албатта, Ўзбекистон ХДП ва унинг парламент кўли палатасидаги фракциясининг ўтган йиллардаги фаолиятини давомиди, парламентдаги демократик блокка нисбатан озчилик бўлишига қарамай, бундай ишончли фаолиятнинг қўллаб-қувватлаш келтирилиши мумкин. Лекин биз қилган ишларимиздан мактабини истамаймиз. Чунки Ўзбекистон ХДП ўз фаолиятини давомиди қоғозда эмас, балки амалда иш юритиб келган. Бугунги кунда ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Юқоридаги мисолларни келтиришдан мақсад — жорий йилнинг 27 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бўлиб ўтадиган сайловларда нафақат

электоратимиз ёки бизга хайрихоҳ бўлган аҳоли қатламларини, балки ўзини Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, фарзандларининг порлоқ келахаги йўлида фидойий деб билган инсонларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларига овоз беришга чақириш, улар томонидан бизнинг партияимизни қўллаб-қувватлашга тарғиб этишдан иборат.

Агар бўлажак сайловларда халқимизнинг кўпчилик қисми бизга ишонч билдириб, қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент кўли палатасида ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўпчилик депутатлик ўринларига эга бўлса, биринчи қалдаги вазифамиз ва асосий мақсадимиз мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислохотларни янги бошқарувида

чиқишга хизмат қилуви, эътижманд аҳоли қатламларининг манфаатларини, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётган кишиларни, шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, имкониётлари чекланган одамлар ҳамда пенсионерлар, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатадиган ва унинг ночор қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшаёт-

ган бошқа соҳалар ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларини таяёрлаб, қонунчилик ташаббуси асосида Қонунчилик палатасига киритиш ва уни парламент томонидан қабул қилишга эришишдан иборат.

Шу ўринда, сайловчилар «Ўзбекистон ХДП ўзининг Дастурида қайси йўналишларни устувор деб билади?» деган саволни бериши ҳам табиий, албатта.

Партияимиз 2009 йил 27 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб иштирок этиш мақсадида ва ўз сайловчиларини олдидаги маъсулятини хис қилган ҳолда, ўзининг сайловолди сиёсий позициясини белгилаб олган. Унда мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар, аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоянинг самарадорлигини, одамларнинг янада фаровон яшашлари учун меҳнат қилишга интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш — ижтимоий мақбул бўлиши, юқори сифатли ижтимоий мақбул коммунал хизматлар, устувор ижтимоий дастурлар бажарилиши самарадорлигини ошириш, ташқи сиёсатда тенг ҳуқуқли мулоқот ва ўзаро фойдали ҳамкорлик масалалари устуворлик касб этган.

Албатта, Ўзбекистон ХДПнинг ўз мақсадларга эришишида, аввало, Сиз, азиз сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашингиз ва ишончингиз ҳар доимидек зарур.

Мухтарам сайловчилар, жорий йилнинг 27 декабрь кўни бўлиб ўтадиган парламент сайлови натижаларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини янги ва эртанги кунга нечоғли таъсир кўрсатишини инобатга оладиган бўлсак, ўз овозингизни, аниқроқ, давлат бошқарувида конституциявий ҳуқуқингизни шунчаки тасодифий номзодга эмас, балки ҳар томонлама муносиб шаксга беришингиз лозим. Шубҳасиз, бу Сизнинг Ватанимиз ривожини, турмушимиз фаровонлигини, фарзандларимиз келахагини муносиб таъминлаш борасидаги муҳим қадамнингиз бўлади. Бизнинг партияимиз сарфиди Сиз ишонч билдиришингиз мумкин бўлган инсонлар жуда кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг энг муносибларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб кўрсатганмиз.

Ўзбекистон ХДП учун халқ манфаатларидан устувор манфаат йўқ. Ўзбекистон ХДП халқимизнинг ақл-заковатига, иродасига доимо таянган. Ўзбекистон ХДП халқ доимо ҳақ эканлигига ишонди. Ўзбекистон ХДП ўз сайловчилари ва электорати олдида берган ваъдаларининг устидан чиқишга доим ҳаракат қилган ва ўз зиммасига олган вазифаларини бажаришга интилиб келган. Шу боис ҳам қарий 18 йилдан бунён халқимиз олдида Ўзбекистон ХДПнинг юзи ёруғ.

Биз Сизга ишонамиз, Сиз ҳам бизга ишонингиз ва овоз бериинг.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИМИЗ

САЙЛОВЛАР — БИЗ УЧУН СИНОВЛАР ДАВРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кенг қамровли бу дастурни амалга ошириш бўйича йил давомида бажаришга келишган ишларнинг бекиёс қўлама ва улкан миқёси ҳақида сўз борганда, уларнинг барчаси қишлоқларимизни обод этиш ва қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, уни имкон қадар шаҳар шароитига яқинлаштиришдек катта мақсадларга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Бу борада қишлоқларимизнинг архитектура нуктаи назарида режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тақомиллаштириш, "Қишлоққурилишлойиҳа" институти, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки каби янги тузилмалар ишини йўлга қўйиш бўйича қилинган амалий ишлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда қишлоқларимиздаги инфраструктурани ривожлантириш, жумладан, қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларнинг кенгайтириш, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида қўлаб янги йўналишлар очиб, қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш борасида амалга оширилган салмоқли ишлар ҳақида ҳам маърузада атрафлича фикр юритилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигидаги ишловларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, барчамизни боқадиган ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодийоти юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинган ишларни ҳам кенг таҳлил этиб, янги фикр ва хулосаларни илгари сурди.

Йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритганда, инсон саломатлигини асраш, тиббиёт муассасаларининг йўқдй-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия соҳасидаги ишловларни изчил давом эттириш, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизматини ривожлантириш бўйича эришилган салмоқли натижалар бу муқаддас заминда яшовчи ҳар бир инсонни мамнун этиши таъбиийдир.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга баҳо бераар экан, Юртбошимиз фақатгина шу йилнинг ўзида барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлаганини таъкидлади. Айни вақтда мазкур дастур ижроси фақат бир йил би-

лан чекланиб қолмаслиги, бу борадаги ишлар 2010 йилда ҳам изчил давом эттирилишига мажбур аҳли эътиборини қаратди. Бинобарин, қишлоқларимизни тараққиёт топтириш ва обод этиш учун келгуси йилда янада кўпроқ маблағ сарфлаймиз, деб ўқтириб ўтди Юртбошимиз.

Ҳал қилувчи куч

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз белгилаб олган барча юксак мақсад ва вазифаларнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўсти-

риш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Шунинг учун ҳам 2010 йилнинг юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган бутун халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бугунги ва эртанги тараққиётимиз, ўз олдимизга қўйган ўта муҳим ва долзарб вазифаларнинг амалга оширилиши, авваломбор, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб, ҳаётдан ўзига муносиб ўрин топишига боғлиқ экани ҳақида тўхталаркан, мамлакатимиз истиклоли учун принципиал аҳамиятга эга бўлган масалаларни бундан ҳам муҳимроқ қилиб, деб атайлашган ижтимоий қатламнинг асосини ташкил этади.

Маълумки, мулкка эгаллик масаласи азалдан дунё аҳлининг жиддий эътиборида бўлиб келади. Жаҳондаги кўпгина тараққиёт топан, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган мамлакатлар таърибаси шундан далолат берадики, аввало, ўзининг хусусий мулкка эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган топфа бўйлики янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқиб, шу билан бирга, давлат ва жамяият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўлади.

Урта синф, унинг хусусият ва аломатлари ҳақида гап борганда, Президентимиз ҳамиша ҳаётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ғоят муҳим бир тамойилга эътиборини қаратади. У ҳам бўлса, юрти-

мизнинг тарихий-маданий ўзига хослигидан, азалий қадриятларимиздан келиб чиққан ва ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда, жамяиятимизда ўта бойлар ҳам ва ўта камбағаллар ҳам бўлмаслигини назарда тутадиган дастурий принципдир.

Бугунги кунда дунёнинг Япония, Швеция, Финляндия, Швейцария, Германия каби ривожланган давлатларида бу масала ўзининг мақбул ечимини топган бўлса, бошқа баъзи бир мамлакатларда мазкур тамойилга риоя этилмаётгани уларнинг иқтисодий-ижтимоий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда эса, Президентимизнинг маърузасида таъкидланганидек, ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиги кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида бандлиги меҳнат фаолиятининг айнаи шу йўналишга ҳозирги вақтда аҳолиимизнинг катта қисми учун асосий даромад манбаи эканини кўрсатиб турибди. Бу, ўз навбатида, дунёнинг барча ривожланган давлатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам мулкдорлар синфи мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчига айланиб бораётгани яна бир қарра тасдиқлайди.

Бошқача айтганда, мулкдорлар синфи бозорларимизни зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдирши, аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг, энг муҳими, мамлакатимиз барқарорлиги ва жамяиятимиз фаровонлиги, ўзаро меҳр-оқибат ва соҳоват муҳитининг муҳим омили, миллий тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида намоён бўлаётгани юртимиз, халқимизнинг яна бир улкан ютуғидир.

Айниқса, истиклол йилларида ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун тегишли замин яратилгани, уларни замон талаб қиладиган мутахассислар этиб тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани, қисқача айтганда, янги авлод кадрлари учун барча шароитлар тўғрисида берилган беш қўлга киритаётган барқарор натижаларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Табиийки, бу ёшлар иқтисодийоти диверсификация ва модернизация қилиш, техник-технологик янгилаш, инновацион технологияларни жорий этиш бўйича истиклол дастурларини амалга оширишда ўзларини намоён этаётгани

кувонарлидир. Баркамол авлод йили бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси олдида ҳалимиз мавжуд бўлган муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш, барча ҳудуд ва минтақаларда, аввало, қишлоқ жойларда мазкур соҳага ёшларни жалб қилиш учун етарли шароит ва имтиёзлар яратиб бериш масаласига Президентимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани келгуси йилда мулкдорлар синфининг жамяиятимиз ҳаётининг мавқеи янада ортишидан далолат беради.

Интеллектуал юксалиш - ҳаётимиз мазмунига айлансин

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ҳозирги вақтда қишлоқларимизда анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда замонавий телекоммуникация тизимлари, "хусусан, Интернет, мобил телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатиши ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланаётганига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки бундай хизмат турлари аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айни пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежаларни таъмир қилиётган - минглаб фарзандларимизни иш билан таъминлаш, ўларнинг манъа шундай замонавий касб эгаси бўлишига имкон яратмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида фақат қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни очилиб, уларда арвандан ашунадай ўғил-қизларимиз фаолият кўрсатаётгани, ҳақиқатан ҳам, шу соҳадаги амалий ишлар натижасидир. Бундан бунён ёшларимизнинг келажагини белгилаб берадиган бундай ишлар қўламини янада кенгайтириш давр тақозоси эканига маърузада алоҳида ургу берилди.

Яна бир ғоят муҳим масала, яъни биз яшаётган XXI аср - интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср эканига эътибор қаратар экан, Юртбошимиз "Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун қундалик ҳаёт мазмунига айланмаса - бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб

кетиши муқаррар" деб таъкидлади. Чиндан ҳам, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш бугунги кунда миллий тараққиётнинг асосий шарт ва мезонига айланмоқда. Чунки интеллектуал жиҳатдан қолоқ халқ ҳеч қачон ривожланмайди. Дунёдаги тараққиёт топган мамлакатлар экспорт қиладиган маҳсулотларнинг аксарият қисмини айнан интеллектуал мулк маҳсулотлари - юксак техника ва технологиялар эгаллаши ҳам бу фикрни исботлайди. Маълумотларга қараганда, юксак технологиялар бўйича жаҳон патент бозорининг 44 фоизи АҚШга тегишли бўлса, бу

борада Япония 36 фоиз, Германия эса 16 фоиз кўрсаткичга эга. Бундай давлатларнинг юксак тараққиёти замирида, аввало, уларнинг энг катта интеллектуал салоҳиятга эга экани мустаҳкамдир. Интеллектуал салоҳият, бир томондан, моддий бойликларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган янги техника ва технологияларни яратиш ҳамда амалда қўллаш, шу йўл билан мамлакат бойлигини тежаш, мустаҳкамлаш ва янада кўпайтиришга асосий кучга айланса, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш инфратузилмасини мамлакат ва дунёда юзга келадиган эҳтиёжга қараб тез ва самарали ўзгартириш орқали шу давлатнинг жаҳон ишлаб чиқариш тизимида тенг қатнашиши учун имкониятлар яратлади.

Энг муҳими, интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг миллий маънавияти юксалиши ҳамда муҳим омилига айланади. Яна бир муҳим томони - у миллий манфаатларни ҳимоя қилишида ҳам қудратли қурол вазифасини бажаради. Қолаверса, интеллектуал жиҳатдан тараққиёт этган мамлакатда демократик қадриятлар барқарор ривожланади. Чунки интеллектуал бойлик фақат билим, ақлу тафаккур, илм-фан салоҳияти билан чекланмай, юксак маънавиятни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз ана шу омилининг барчасини назарда тутиб, бу борада янги ташаббус ва ғояларни илгари сурди. Жумладан, тараққиёт топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истик-

болли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юрталари таркибиде янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида Юртбошимиз томонидан билдирилган амалий тақлифлар, айтиш кераки, бугун дунёда интеллектуал соҳада бўлаётган ҳамда келгусида янада кучаядиган рақобат ва беллашуви ҳар томонлама ҳисобга олиб ва шундай мусобақага тайёр бўлишимизни йўлга айтилган тақлифлардир.

Айниқса, бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, истеъдодли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Юртбошимизнинг яна бир ташаббуси - Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш масаласи маърузада кун тартибига қўйилгани бекиёс аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамяиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини бўлиши оилага катта эътибор бериш, фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш борасидаги ишларни янги боқичларга кўтариш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Мухтасар айтганда, Юртбошимизнинг маърузасида белгилаб берилган ана шундай долзарб вазифаларнинг барчаси Баркамол авлод йили муносабати билан қабул қилинадиган дастурнинг асосий маъно-мазмунини, устувор йўналишларини ташкил этади.

Энг муҳими, бу дастурнинг мамлакатимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури якунига етаётган йилда қабул қилиниши, бир томондан, ушбу дастурлар натижаларини сарҳисоб этиш, иккинчи томондан, бу борадаги янги вазифаларни мантқий изчиллик ва давомийлик асосида белгилаб олиб, уларнинг ижросига халқимиз, бутун жамоатчилигимизнинг куч ва эътиборини қаратиш нуктаи назаридан ҳам алоҳида диққатга моликдир.

Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган фармойиши асосида ишлаб чиқилаётган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ўз фарзандларининг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини барча саъй-ҳаракат ва интилишлари, мақсад-муддаоларининг асосий натижаси, деб биладиган эл-юртимизнинг бу йўлда белни янада қаттиқ боғлаб меҳнат қилиши ва янги марраларга эришишида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Гулом МИРЗО.

24 соат ичида

Айни кунларда Даниянинг Копенгаген шаҳрида БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Халқаро анжуман

Шунингдек, ушбу анжуман иштирокчиларини глобал иссиққа қарши курашиш масаласига жиддийроқ ёндашиш, бу борадаги чора-табирларни янада кучайтиришни талаб қилиб мамлакат пойтахтида намойиш ҳам уюштирилмоқда. Икки кундан бунён давом этаётган норозилик акциясида 40 мингдан ортиқ одам қатнашмоқда. Ҳозиргина улардан қарийб минг нафари ҳибсга олинган.

Гаровдагилар озод қилинган

БМТ ва Тинчликни сақлаш бўйича Африка Иттифоқи Дарфурдаги миссияси(UNAMID)нинг Суданга гаровга олинган икки нафар ходими озод қилинди, дейлади "АФР" ахборот агентлиги хабарига.



"UNAMID" вакилининг сўзларига қараганда, ташкилот ходимлари 107 кун мобайнида ушлаб турилган бўлса-да, уларга ҳеч қандай зиён етказилмаган. Озод қилиш чоғида эса жиноятчиларнинг бирор-бир талаби бажарилмаган.

Нефть нархида пасайиш

Жаҳон бозориде нефть нархи сезиларли даражада пасайди.

Жумладан, Нью-Йорк хом ашё биржасида "WTI" типидеги "қора олтин"нинг бир баррели 69,87 АҚШ долларига баҳоланган. Лондон биржасида эса келгуси йил январь ойи учун "Brent" русулли нефтга 71,88 АҚШ долларидан шартномалар имзоланган.

Экспертларнинг изоҳлашича, АҚШда нефть нархининг тушиши мамлакатда унга бўлган талабнинг қамайиши билан боғлиқ. Шунингдек, Саудия Арабистонининг мазкур маҳсулотни қазиб олиш ҳажминини ошириши ҳам бозорга ўз таъсирини ўтказган.

Ташвиш келтирган ёгингарчилик

АҚШнинг Коннектикут штатида қузатилган нуқулдай об-ҳаво қатор нуқуллайликлар келтириб чиқармоқда.



Худудда ёгингарчилик билан бирга кучли шамол ҳам эсимокда. Бу эса йўл ҳаракати ходимсалари сонининг ошишига сабаб бўлаётти. Хусусан, штатнинг йирик шаҳарлариде йўлларидан биринда содир бўлган автохалокатда 50 та машина шикастланган. Бахтсизлик оқибатида 46 киши турли даражада тан жароҳати олган. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Ушбу магистралда қатнов қарийб беш соатга тўхтаб қолган.

Хориж матбуоти хабарларини асосида тайёрланди.

FORMULA-1 АВТОДЮКОНИ
сизга қуйидагиларни тақлиф этади:
Автомобиль эҳтиёт қисмлари R12 дан R17 гача бўлган автотиналар 35W дан 200W гача бўлган аккумуляторлар
Мотор мойлари
Трансмиссия мойлари
Автомобиль жиҳозлари
Автомобиль ойналари
Автомобиль буюқлари
Автомобиль дисклари
Электродлар
Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан.
Домий мижозларга совғалар.

MEHRJON MEHRIBON
лок-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхона қуйидаги лок-бўёқларни тақлиф этади:
ПФ-115 эмали
ПФ-121 эмали
турли ранглардаги мовий, яшил, кўк, қизил, қулранг, сарик, қора,
ПФ-266 эмали полга
Э-АК-19 фасад учун бўёқ
ВД-АК-215
бинолар ичи учун бўёқ
ПФ-283 локи
Том учун бўёқлар
ПВ осыл ОЛИФИ

ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ - «УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧК
минтақавий дилерларни ҳамкорликка қақиради, чегирмалар мавжуд!
АЛОҲИДА ҲОЛДА ИСИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ!
Ўзбекистон Республикасида сертифициланган, газда ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:
• хонани тезда иситади;
• экологик тоза;
• белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;
• совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босини ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;
• газни тежаб сарфлайди;
• бинолар, кotteжлар, офислар, кафелар ва далаҳовлидаги уйлари иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.
Шунингдек, Украина ишлаб чиқарувчиларининг қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларини етказиб берамиз: трансформаторлар, трансформатор кичик станциялари, инвосслар, тибий препаратлар ва тибийёт ускуналари, металл маҳсулотлари, темир йўллар учун буюмлар, қунабоқар ёғи, қандолат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳаммабоб нархларда!
Тошкентдаги тел.: 158-85-75, 242-93-73, 242-84-64. E-mail: ubcazia@rambler.ru www.ubcazia.com

«Ҳосил» ҳосилни кўпайтиради
Қишлоқ хўжалик экинлари ўсишини тезлаштирувчи, юқори самарали «Ҳосил» стимулятори Давлат кимё комиссияси томонидан юқори баҳоланди ва қишлоқ хўжалигини кенг қўлашга руҳват этилди.
Гап шундаки, Тошкент давлат аграр университети олимлари бир неча йиллардан бунён органик ва ноорганик моддалар асосида усимликлар ривожини тезлаштирувчи модда еттиштириш борасида изланиш олиб боришгаётган эди. «Ҳосил» ана шу изланишлар натижасидир. У пахта ва донли экинлар вегетацияси даврида махсус пурақачилар ёрдамида пурақалади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, у билан ишлов берилганда, пахтанинг ҳосилдорлиги гектарига 4, галладан эса 7 центнергача юқори ҳосил олиш мумкин. Вегетация даври эса бир неча кунга қисқаради.
О. ПАРПИЕВ.
SONATA Ўз йўлингни танла!
КАФОЛАТ - 2 ЙИЛ.
HYUNDAI Official Partner
Tel. (8-371) 250-11-11

